


### III. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 3 577,0 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 100,5 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 2 464,5 млрд. сўмни (98,5 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 1 056,5 млрд. сўмни (106,5 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 44,6 млрд. сўмни (100,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 6,7 млрд. сўмни (98,7 фоиз), овчилик хўжалигида 0,1 млрд. сўмни (125,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 4,6 млрд. сўмни (103,0 фоиз) ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 84,3 фоиз).

**2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(фоиз ҳисобида)



- Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

**Дехқончилик.** 2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 2 464,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 98,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 70,0 фоизни ташкил қилди.


Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 254 097 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 118 537 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 113 695 гектарни, шундан буғдой 113 003 гектарни, маккажўхори дон учун 3 326 гектарни, шоли 600 гектарни, дуккакли дон экинлари 916 гектарни, техник экинлар жами 86 888 гектарни, шу жумладан ғўза майдони 85 890 гектар, мойли экинлар 468 гектар, картошка 10 366 гектарни, сабзавотлар жами 22 653 гектарни, полиз 2 322 гектарни, сабзавот экини уруғзорлари 47 гектарни, озуқа экинлари 13 331 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 46 706 гектарни ҳамда токзорлар 6 448 гектарни ташкил этди.

**Ҳосилни йиғиб олиш.** Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига дон жами 396 866 тонна (79,5 фоиз), шу жумладан бошоқли дон 384 382 тонна (79,1 фоиз), шундан буғдой 383 052 тонна (78,9 фоиз), картошка 172 832 тонна (111,9 фоиз), сабзавот 395 630 тонна (104,0 фоиз), полиз 6 407 тонна (99,8 фоиз), мева 132 659 тонна (78,0 фоиз), узум 1 459 тонна (115,2 фоиз) етиштирилди.


**2018 йилнинг январь-июнида хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	<b>Фермер хўжаликлари</b>		<b>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</b>		<b>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</b>	
	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
<b>Дон, жами</b>	332,8	80,0	59,9	78,2	4,2	63,3
шу жумладан:						
бошоқли дон	332,7	80,4	47,5	73,1	4,2	63,2
шундан: буғдой	331,5	80,1	47,5	73,1	4,1	63,1
Картошка	1,2	21,1	171,2	115,9	0,4	35,3
Сабзавотлар	10,5	51,2	383,9	107,0	1,2	103,7
Полиз	2,3	63,8	4,1	144,7	-	-
Мевалар ва резаворлар	42,8	50,5	87,7	106,0	2,2	80,4
Узум	0,1	314,7	1,4	109,7	-	-

**2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**




**шундан:буғдой (тонна)**



**маккажўхори дони (тонна)**



**дуккакли дон, жами (тонна)**



**Картошка (тонна)**




### Сабзавотлар, жами (тонна)



### Полиз (тонна)



### Мевалар, жами (тонна)



### Узум (тонна)



**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-июнида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1 056,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,5 фоизни (2017 йилнинг январь-июнида 105,7 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 30,0 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 997,1 минг бош (1,2 фоизга кам), шу жумладан сигирлар 353,1 минг бош (2,2 фоизга кам), қўй ва эчкилар 830,9 минг бош (0,4 фоизга кам), отлар 8 914 бошга (0,6 фоизга), паррандалар 6 488,4 минг бошга (13,3 фоизга) кўпайди.

#### 2018 йил 1 июль ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар


	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	48,6	111,0	936,3	98,0	12,2	122,0
<i>шу жумладан:</i> сигирлар	15,2	96,8	335,2	97,9	2,7	96,4
Қўйлар ва эчкилар	40,3	93,3	786,1	100,1	4,5	83,3
Отлар	1 126,0	101,3	7 645,0	99,9	143,0	141,6
Паррандалар	591,6	107,3	4 231,0	107,9	1 665,8	132,9

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,9 фоизни, фермер хўжаликларида – 4,9 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,9 ва 4,3 фоизни, қўйлар ва эчкилар


– 94,6 ва 4,9 фоизни, отлар – 85,8 ва 12,6 фоизни, паррандалар – 65,2 ва 9,1 фоизни ташкил қилди.

### 2018 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар


#### Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



#### шу жумладан: сигирлар (минг бош)




#### Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



#### Паррандалар (минг бош)



### Отлар (бош)



2018 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 75,9 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 5,7 фоизга кўп), 431,8 минг тонна сут (6,9 фоиз), 266,6 млн. дона тухум (10,7 фоиз), 863 тонна жун (4,7 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари пиллачиликни ривожлантириш, кластер усулига ўтиш сабабли ижобий ишлар амалга оширилиши натижасида вилоятда 1108 тонна миқдорида (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 131,5 фоизни) 14,9 млрд. сўмлик пилла хом-ашёси етиштирилди.



**2018 йилнинг январь-июнида хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>

Гўшт, тирик

вазнда,

*минг тонна*

1,8      82,1      69,7      104,1      4,4      164,8

*Сут, минг тонна*

15,1      128,9      413,4      106,2      3,3      104,9

Тухум, млн. дона

29,1      129,2      198,5      106,9      39,0      119,6

*Жун, тонна*

39      118,2      821      104,2      3      100,0

Пилла хом-ашёси,

*тонна*

1 108      139,5      -      -      -      -

Асал, *тонна*

4      10,5      742      109,1      -      -


Овланган балиқ,

*тонна*


699,1      77,7      149      101,4      424      132,5

**2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги  
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


**Гўшт (минг тонна)**




**Сут (минг тонна)**



**Тухум (млн. дона)**



**Жун (тонна)**



**Балиқ (тонна)**



**Пилла (тонна)**

